

«ҚАДРЛИ ОПА-СИНГИЛЛАРИМ! ТОЛЕИНГИЗ БАЛАНД, РИЗҚИ НАСИБАНГИЗ ЗИЁДА, ГЎЗАЛЛИК ВА МЕҲР-МУҲАББАТ ДОИМ СИЗГА ЁР БЎЛСИН!»

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-
SIYOSIIY
GAZETA



• 2006-yil • 8-mart • Chorshanba • 28 (27.520) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

ЎЗБЕКISTON ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ассалому алайкум, муҳтарам она-хонлар, қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Она дийрими узра баҳор нафаси кеза бошлаган мана шу ёруғ кунларда сиз, азизларим, бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март — меҳр-муҳаббат ва нафосат байрами билан самимий кутлаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Биз бетакрор юртимиз, гўзал ўлкамиз, барчани ўзига мафтун этадиган фусункор табиатимизни аёлларимизга хос бўлган қалб саховати, ҳаё ва ифтихор, вафо ва садоқат туйғуси билан, сабр-бардош ва меҳр-муруват фазилатлари билан узвий боғлиқ ҳолда, буларни Оллоҳнинг ўзи бизга берган тенгсиз ва ҳосиятли неъматлар деб тасаввур қилишимиз табиийдир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Чиндан ҳам, Яратганимиз буюк ва беқиёс мўъжизаси бўлгани аёл зотини таърифлаш ва мадҳ этиш учун ҳар қандай ёрқин тилсол ва ташбеҳлар камлик қилади.

Аёл деганда, кўз олдимизда авваламбор азиз ва муқаррам Она сиймоси намоеён бўлади. Барчамизни юраги остида ўстириб дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб воёга етказган, ўзининг оқ сути, меҳр-муҳаббати билан қалбларимизга олжаноб инсоний туйғуларни сингдирган мунис оналаримизга ҳар қанча таъзим қилсак, уларни ҳар қанча улуғласак, арзийди, албатта.

Ҳозирги кунда ҳаётимизнинг қайси жабҳасини оилалик — бу давлат ва жамият қурилиши ёки ишлаб чиқариш тармоқлари, илм-фан, маданият ва тиббиёт соҳаси бўладими, айниқса, фарзандларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, миллий урф-одат ва қадриятларимизни сақлаш бўладими, оила, маҳалла ва меҳнат жамоаларида меҳр-қошани, соғлом турмуш тарзи, ҳам-жамиятлик муҳитини мустаҳкамлаш бўладими — буларнинг барчасида сиз, муҳтарам опа-сингилларимизнинг қандай жон куйдириб, фидокорона хизмат қилаётганингизни халқимиз, жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Шу маънода, ҳеч шубҳасиз, азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг бош майдонига қад қўтарган, ўзида бахтиёр она сиймосини мужассам этган янги, муаззам ёдгорлик мажмуида Мустақиллик ва Эзгулик монументи деб ном берганимиз ҳам қалбимиз тўрида аёл зотига бўлган чуқур ҳурмат-эҳтиром, таъзим ва ташаккуримизнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Азиз опа-сингиллар!
Мамлакатимизда 2006 йилга «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб ном берилишимиз муносабати билан биз ўз олдимиизга қўйган муҳим ва улкан вазифалар авваламбор халқимизнинг ҳаёт даражасини янги босқичга кўтариш, бунинг учун мавжуд барча салоҳият ва имкониятларни ишга солиш, бир ёқадан бош чиқариб, социал ва ижтимоий муаммоларни ечишга қаратилгани ҳаммамизга яхши аён, деб ўйлайман.

Шу нуқтаи назардан қаранганда, биз аёлларимизнинг жамиятимиздаги нуфузи ва маъқеини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, хотин-қизлар учун, айниқса қишлоқ жойларда янги-янги иш ўринлари яратиш, биринчи галда хонадон бекаларига дуч келадиган уй-жой ва коммунал хизматлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича яна кўп иш қилишимиз лозимлигини, бу борада заҳматқаш ва камтарин опа-сингилларимиз олдига қардор эканлигини ҳам ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Яқинда қабул қилинган шифокорлар ва ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қарорлар, тадбиркорлик, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатини, касаначилик фаолиятини ривожлантириш учун тугдириб берилган қўлайлик ва имтиёзлар, ўйлайманки, ана шу йўлда янги амалий қадамлар бўлиб хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, шунинг таъкидламоқчиманки, биз бундан буён ҳам аёлларимизга муносиват турмуш шароити яратиш бериш, уларнинг ақл-заковати, қобилият ва истеъдодини рўйбга чиқариш, ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз.

Қадрли опа-сингилларим!
Барчангизни гўзал айёмингиз билан ана бир бор чин қалбимдан муборакбод этаман.

Толеингиз баланд, ризқи насибангиз зиёда, гўзаллик ва меҳр-муҳаббат доим сизга ёр бўлсин!

Оилангизнинг бахту саодатини, фарзандларингизнинг камолини кўриш, ширин-шакар набираларининг бешигини тебратиш ҳар бирингизга насиб этсин!

Хонадонларингиздан файзу барака ариласин!

Бахтимизга ҳамisha омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган иқтидорли қизлар.

Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат

ЖАМИЯТ КЎРКИ ВА ТАЯНЧИ

Аёллар — жамият кўрки ва таянчи, меҳр-муруват, эзгулик тилсоли. Хотин-қизларни асраб-авайлаш, уларга гамхўрлик кўрсатиш халқимизнинг азалий қадриятларидан биридир. Аёлларнинг мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этишдаги, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, буюк бунёдкорлик ишларидаги улуғлини, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш ва воёга етказишдаги ўрнини халқимиз, Ватанимиз юксак қадрлайди.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб 7 март кунини ўтказилган тантанали байрам тадбирида ана шулар ҳақида гап борди. Бу ерга мунис онахонлар, турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган фидойи аёллар, иқтидорли қизлар тақдирланди.

Имтиёзли Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев оиди.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика

Хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг маъқеини мустаҳкамлашга, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги фаоллигини янада оширишга, ҳуқуқий, интеллектуал, касб маҳорати ва савиясини юксалтиришга, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борамидаги қўлимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилаётди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш ва соғлом оилани шакллантиришга оид кўллаб хайрли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда юртимизнинг ҳар бир маҳалласида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг фаолият кўрсатаётгани миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизнинг эъзозланишига, ёшларни зарарли ғоялар таъсиридан асрашга хизмат

қилапти.
Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 мартдаги қарорига мувофиқ аёло ҳуқуқи, зукколиги, ўқишдаги муваффақиятлари, ташаббускорлиги билан ноёб истеъдодини намоеён этаётгани ҳамда адабиёт, санъат, фан ва таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган иқтидорли қизларга совриндорлик ёрликлари ва нишонлар топширилди.

Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоиров меҳри дарё оналаримизни, опа-сингилларимизни байрам билан кутлади ва ўзининг янги шеърини ўқиб берди. Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари Тошкент педиатрия тиббиёт институти-ни Нукус филиали талабаси Замира Палуаниёзова, Бухоро санъат коллежи талабаси Моҳичеҳра Шомуроғова юртимизда иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камол топтириш ва истеъдодини тўла намоеён этиши учун барча шароитларни яратиш бериш борасида гамхўрлик қилаётгани учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этилди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг ашула ва рақслари байрам дастурига янада файз бахш этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатасининг Спикери Э.Халилов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ҚАЛБДАН ТОШГАН ТИЛАКЛАР...

Аёл — муҳаббат мамлақати. Аёл — меҳр манзилли. Аёл — садоқат силсиласи. Аёл — эзгулик дояси. Аёл — миллатнинг онаси... Президентимиз айтганларидек, «Оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файз-барокат киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир. Аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чирогини, умримизнинг гули деб эъзозласак, демаски, оиламизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз».

Шундай экан, мен ҳам ушбу сатрларга сингган Ватанга бўлган меҳримни барча азиз онахонларимизга байрам тўғрисида сифатида тақдим қиламан:

Ватан не, Ватан эрк, Ватан томчи қон,
Ватан хур давлатнинг муқаддас шаъни.
Ватан савоб, Ватан эътиқод имон,
Кўксин нафса тутган йиғитнинг жони.

Уткинчи ёврга йўқ дунёи дунда,
Ватан лаҳзалардан буй тиклаган вақт.
Биз келиб кетамиз кўнча заминга,
Ватан йиллар оша яшарар фақат.

Ватан етти авлод жойланган қабр,
Ватан хотиранинг ўчмас чирогини.
Ватан дилга кўчган муаззам қабр,
Ватан гулга кўчган руҳимиз боғи.

Болам деб миллат ва қудратни туққан,
Ватан бир меҳрибон онахондир.
Ойи, юлдузлари порлаган тугда,
Ватан жонимиздан чиққан жаҳондир.

Ушбу ёруғ байрам кунларида республикамизнинг барча аёлларига — азиз онахонларимиз, опаларимиз, сингилларимизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, зиёда бахт, оилавий тинчлик-осойишталик ва мангу гўзаллик ҳамроҳ бўлиб қолишини тилаб қоламан.

Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ ЙИГИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

2006 йил 3 март кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Сенати бешинчи ялпи мажлисидаги маърузасида баён этилган қоида ва ҳулосалар, шунингдек, партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, фракция ва Қонунчилик палатаси фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари муҳокама этилди. Унда таъкидландики, Президентимиз маърузасида мамлакат парламенти фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаб, бунда соҳадаги мавжуд резервлар ва камчиликларга, шу жумладан, қонун ҳужжатларини кўриб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида палаталарнинг ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш зарурлигини, қонун нормаларига қатъий риоя

қилинишини таъминлашда парламент ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.
Бўлиб ўтган мунозаралар доғда таъкидландики, ўтган давр мобайнида мамлакатнинг янги сайланган икки палатали парламентини Қонунчилик палатаси сифатида шакллантириш бўйича муайян ишлар бажарилган. Шу билан бирга 2005 йилда палата мажлислари ишини ташкил этиш парламент ислохотларининг бугунги талабларига тўла жавоб бера олмайди. Палата фаолияти ва унинг мажлисларини ташкил этиш амалиётида профессионал асосда ишлаётган депутатлар салоҳиятини тўлиқ амалга оширишга эришилгани йўқ. Унинг мажлисларида регламента

қўзда тутилган иш шаклларида фақат биттаси — палата кўриб чиқиши учун киритилган қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш тўлиқ ҳажмда амалга оширилмоқда холос.
Мазкур масалани Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий устуворликлари позициясидан кўриб чиқилса, деб таъкидлади фракция аъзолари, одамлар, сайловчилар улар олдига турган ижтимоий муаммоларни ҳал этишда палатанинг самарали фаолиятини кўрмапти.

Мамлакатни ислох қилиш ва модернизациялашнинг 2009 йилгача бўлган даврга мўлжалланган муҳим устуворликлари ҳисобга олган ҳолда тузилган, чуқур ўйланган иш режалари йўқ. Палатада мамлакат Президентининг палаталар биринчи қўшма мажлиси, шунингдек, 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида қилган маърузаларида қайд этилган, ислохотлар устуворликлари амалга оширишга тўсиқ бўлаётган амалдаги қонунчиликдаги бўлишларини ўрганиш ва

аниқлаш бўйича иш рисоладагидек ташкил этилмаган.
Ислохотлар бугунги босқичда зарур бўлган қонунлар лойиҳалари кечиктириб киритилмоқда, палатада тайёрланаётган қонун лойиҳалари сифати ҳозирча маромига етмапти.
Қонунчилик палатасининг Олий Мажлис Сенати билан ҳамкорлиги самарали эмас. Палатанинг минтақалар, депутатларнинг сайловчилар, маҳаллий ҳокимият органлари билан алоқаси, жамоатчилик билан ишлаши паст даражада. Депутатларнинг жойларда сайловчилар билан учрашувларга чиқиши аниқ ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этиш, электрорат манфаатларига та-

аллуқли муаммоларни аниқлаш ва кейинчалик уларни палата мажлисларига киритиш учун асос бўлиб хизмат қилмаётди. Палата қабул қилган қонунлар ва қарорларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш бўйича назорат-таҳлил фаолиятида камчиликлар бор.
Палатада парламент сўрови ҳуқуқидан фойдаланишга етарли эътибор берилмапти. Палата кенгаши, кўмита ва комиссиялари давлат ички ва ташқи сиёсатининг ў ёки бу муҳим масалаларни бўйича ҳамisha ҳам аниқ ва равшан позицияда турмайди.

Ўзбекистон ХДП аввал бошданок ўзини парламентдаги муқдими оқчиллик деб эълон қилди, демак ўзини шунга яраша тутмоғи керак. Яъни, ўз ташаббусини намоеён этиш учун, қонун томонидан унга берилган барча имкониятлардан қатъийлик билан фойдаланиши зарур.
Палата депутатлари — фракция аъзолари ва фракциянинг ўзи тегишли қонунчилик ҳужжатларида кўзда тутилган вазифаларини ҳамisha ҳам тўлиқ амалга оширилмоқда. Бу ҳақда йиғилиш иштирокчилари ўтган йил мобайнида фракция аъзолари ўз қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб, мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг асосий масалалари бўйича бирорта ҳам қонун лойиҳасини киритмаганини ҳолатини

танқидий баҳоладилар.
Мазкур масала бўйича фракция қабул қилган қарорда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси йиғилишлари ишини Ўзбекистон Республикаси Президентининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида баён этилган принципал қоида ва ҳулосалар асосида сезиларли даражада такомиллаштириш талаб этилиши қайд этилди.
Ушбу тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мажлисига киритишга қарор қилинди.
Ўзбекистон ХДП МК
матбуот хизмати

АЁЛ — МУҲАББАТ МАМЛАКАТИ. АЁЛ — МЕҲР МАНЗИЛИ. АЁЛ — САДОҚАТ СИЛСИЛАСИ. АЁЛ — ЭЗГУЛИК ДОЯСИ. АЁЛ — МИЛЛАТНИНГ ОНАСИ...

ҲАЁТ ДАВОМИЙЛИГИ ТИМСОЛИ

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида биноан маҳаллалар қошида диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимлари жорий этилди. Бугунги кунда республикамиздаги 9950 та ўзини-ўзи бошқариш органларида 7697 нафар маслаҳатчи аёлларимиз фаолият кўрсатмоқда.



Фарида СОБИРОВА, С.Рахимов туманидаги «Кичкирик» маҳалласи диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси:
— Аёл табиат мўъжизаси. Оиласиз жамият, давлат бўлмагани каби, аёلسиз оилани ҳам тасаввур этиш қийин. Мамлакатимизда аёлнинг мавқеи, нуфузи, қолаверса масъулияти юксалди. Энди хотин-қизларимиз илгаридек фақат фарзанд тарбия-

чиси эмас, балки, жамиятимизнинг энг фаол, илгор вакилларига айланди. Биргина маҳаллалар маслаҳатчилари олдида ҳам катта вазифалар кўйилди. Улар оилалар тинчлиги, ёшлар тарбияси, аёллар маънавийтини ошириш бўйича фаолият олиб борадилар. Мана шулардан келиб чиқиб маҳалламизда ҳар чоршанба аёллар учун турли соҳа вакиллари иштирокида давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этиш одатга айланди. Яқинда касаначиликни ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарор асосида маҳалламиз аёлларига уйда ўтириб хунардчиликни ташкил этиш бўйича тавсияларни бердик.

Қолаверса, ҳаёт давомийлигининг тимсоли бўлган хотин-қизларимиз тиббий саводхонлигини ошириш бўйича ҳам мунтазам ишлар олиб бормоқдамиз. Туманимиздаги 13-оилавий шифохона ходимлари доимий равишда оилаларда бўлиб, фарзанд тарбияси, аёл гигиенаси, туғиш ёшидаги аёлларга зарур тиббий маслаҳатлар бериб келмоқда. Ўттиз йиллик педагогик тажрибамдан келиб чиқиб айта оламани, аёллик сеҳри аввало унинг маънавиятида, меҳрибонлиги, орасталиги-ю ширинсўзчилигида. Мен мунис ва муқаррам аёлларимизни мана шу фазилатлар ҳеч қачон тарк этмасин, дейман.

Ҳеч бир жамиятни аёلسиз тасаввур қилиб бўлмайди. Хоҳ жазирама ўлкаларда, хоҳ музликлар қорлаб ётган мамлакатларда бўлсин, аёлларсиз ҳаётни ҳувиллаб қолган уйга қиёслаш мумкин. Шунинг учун ҳам юртимизда барча эзгуликлар Яратганнинг беқиёс мўъжизаси бўлмиш аёлларимизга бағишланганди: уларнинг номи билан йиллар аталди, аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи жамоат ташкилотлари тuzилиб, хотин-қизларимизнинг давлат ва жамият бошқарувидаги мавқеи мустаҳкамланди...

Қолаверса, «Сиҳат-саломатлик йили», «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дас-



ОНАЛИКНИНГ ОЛИЙ МАРТАБАСИ

турлари, улар асосида қабул қилинган маҳаллий дастурларнинг ҳам катта қисми оилани, оналик ва болаликни ҳимоя қилишга қаратилмоқда. Бош майдонимиз — Мустиқлик майдониди «Мустиқлик ва эзгулик» мажмуасида қад ростлаган ҳайкал ҳам она ва болага ўрнатилди. Бу эса мамлакатимизда аёлнинг, онанинг ўрни ва роли нақадар азиз ва мўътабар эканлигидан далолат.

Айни пайтда республикамизда аёллар умумий аҳолининг 51 фоизини ташкил этмоқда. Бугун аёл фаолият юритмаган соҳанинг, у эгалламаган касбнинг ўзи йўқ. Мана шу юмушлардан ортган аёл уйда фарзанд тарбияси билан ҳам машғул. Буни оддий иш деб қарайдиганлар ҳам бор. Аслида бундай эмас. Жамиятнинг асосини, пойдеворини қўйдиган фарзанд тарбияси ҳамма замонларда ҳам оналикнинг энг олий мартабаси, аёлларимизнинг энг олий унвони бўлиб қолган.

Донишмандларда бир гап бор: бирор мамлакатни босиб олмоқчи бўлсанг, аввал ўша юрт аёлларининг кўнглига қўл солиб кўр. Агар аёлларни таслим қилсанг, мамлакат ўз қўлингга бўлади... Бу ҳикматнинг тагида қанча маъно-маъмур бор. Демак, аёл тинчлик қафолати, кўргон мустақиллиги, миллат давомчиси сифатида чексиз-чегарасиз имкониятларга эга.

Бугун мамлакатимизда 9 та академик, юзлаб-миглаб фан доктори ва номзодлари бўлган хотин-қизларимиз, қолаверса дастгоҳ ёнидаги ишчи, партиялар таркибидидаги сиёсатчи, тадбиркорлик, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларида меҳнат қилаётган аёлларимиз бор. Биз эса уларнинг иштироки, ижодкорлигисиз ҳаётимизни мукаммал тасаввур этолмаймиз.

Шунинг учун ҳам аёллик мартабаси ва мавқеини, унинг жамиятдаги ролини ошириш мақсади-

да хотин-қизлар кўмитасининг, жойлардаги хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг вазифалари кенгайтирилди. Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва ҳукуматимизнинг қарори билан мамлакатимизда хотин-қизлар билан ишлаш бўйича яхлит бир тизим яратилди. Унга қўра, хозирда маҳалладан тортиб йирик корхона-ташкilotларда ҳам ҳар бир аёлга тегишли муаммони ўрганиш, уларнинг мамлакат ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш бўйича муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Аёлларни ижтимоий ҳимоялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, уларни соғломлаштириш, аёл маънавиятини юксалтириш, оилани мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш — ҳамма-ҳаммаси шу тизимга бирлашади. Бундан кўзланган бош мақсад — оилада, давлат ва жамият бошқарувида аёлнинг ролини кучайтириш, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдир.

Бугун байрам муносабати билан мунис оналаримиз, дилбар аёлларимиз шаънига ҳар қанча сўз айтсак оз. Авваламбор, юртимизда истиқомат қилувчи жамияти опа-сингилларимизни аёллик бахти тарк этмасин. Оила ва оналик гаштини, фарзандлар камолини кўриш барча аёлларимизга насиб бўлсин. Байрамнинг муборак эълани, азиз опа-сингиллар!

Фарида АБДУРАҲИМОВА, Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси

БОЛА ТАРБИЯСИДА АЁЛНИНГ ЎРНИ



Фотиما БУХАРОВА, Ўзбекистон Давлат болалар кутубхонаси директори:
— Бола тарбиясида аёл маънавиятининг ўрни беқиёсдир. Дарҳақиқат, оилада ўғил-қизларимизнинг қандай инсон бўлиб етишишлари энг аввал аёлларимизга боғлиқ. Бола дунёга келгандан бошлаб она билан бирга бўлади. Шу боис унинг қамоли ҳам оналар қўлидадир. Шунинг учун ҳам барчамиз гаплашадиган тил — она тили деб бежиз айтилмаган. Она тилини билмасдан туриб

Ўзбек халқининг ўтмиши, қадим маданиятидан баҳраманд бўлиш мумкин эмас.

Она ва бола тўғрисида сўз кетганда, оила даврасидаги китобхоналикка, болаларни китобни севишга одатлантириш нақадар муҳим эканлигига тўхталишни истардим. Чунки, китоб ўқиган боланинг маънавияти юксалиб, билим доираси кенгайди ва албатта, оналар орасидаги инсон бўлиб камол топади.

Бизнинг кутубхонамизга оналар ўз фарзандларини етаклаб олиб келиб уларга китоб танлаб бераётганликларини кўрсам, кўзим қувнайди. Қани энди, ҳамма оналар ҳам бу борада ўз болаларига ибрат бўсалар...

Мен бугун 8 март — Халқаро хотин-қизлар кун муносабати билан мамлакатимиздаги барча аёлларни, шу жумладан, камтарин касб эгалари бўлмиш кутубхоначи опа-сингилларимизни табриқлайман. Уларга оилавий бахт-саодат тилаймман.

БИРИНЧИ ТАРБИЯЧИ, ИЛК МУАЛЛИМ...

Ўқитувчи-мураббийларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг бош йўналишларидан бирига айланди. Ҳозирги кунда республика халқ таълими тизимида 447 минг 129 нафар педагог-ҳодимлар фаолият кўрсатмоқда. Шундан 294 мингдан ортми хотин-қиз мураббийлардир.



Валида МУҲАМЕДОВА, Тошкент шаҳридаги 206-боғча-мактаб мажмуаси директори:
— Хотин-қизларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатаётган жамиятнинг келажиги порлоқ бўлиши шубҳасиз. Масалан, ўз касбимдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, мамлакатимизда фан, таълим, маънавиятни ривожлантириш, ёш ав-

лодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда аёл ўқитувчиларимизнинг хизмати катта бўлмоқда. Шундан ҳам кўриниб турибдики, халқимиз эртанги кун давомчилари бўлган ёш авлоднинг тарбиялаб вояга етказишдек масъулияти, айна пайтда машаққатли вазифани адо этишда биз аёлларга сидқидилдан ишонади.

Аслида ҳам ҳар бир инсон учун биринчи тарбиячи, илк муаллим уни дунёга келтирган онасидир. Шу боис муаллимлар ичда аёлларнинг кўплиги ҳам табиийдир.

Бу ишонч, эъзоз замирида катта маъно бор. Биз нафақат ўқитувчи-мураббийлар, балки барча аёллар фарзандларимизни турли ёт гоилардан асрашимиз, шу Ватанга, миллатга садоқат руҳида улғайтиришимиз зарур. Шундангина кўзланган манзилларга етиб боришимиз, жаҳон ҳамжамиятда ўз ўрнимизни мустаҳкамлашимиз мумкин.

Мен фурсатдан фойдаланиб барча хотин-қиз ўқитувчиларимизни байрам билан муборакбод этаман. Азиз аёлларимиз ва лобар қизларимизга эзгулик, оилавий бахт ва муҳаббат ҳаммаша ёр бўлсин.

ЭЗГУЛИК ЯРАТИШ БАХТИ



Муҳаббат ИБРАГИМОВА, Республика кўз касалликлари шифохонаси олий тоифали врач:
— Дунёдаги барча эзгуликлар аёлга қиёслашни бежиз эмас. Бугун ўзбек аёлларининг гўзал фазилатларини, меҳру садоқатини ҳар қанча таъриф тавсиф этсак арзийди. Ўзбек оналари улғайтирган фарзандлар тарихида ва бугун не-не буюк манзилларни забт этаётган бўлсалар, уларни юрак меҳри-ла тарбиялаган аёллар жасора-

ти ҳаммаша таҳсинга лойиқ. Қувонарлиси, хозир ҳам орамизда юксак эътибор ва ҳурматга сазовор аёлларимиз талайгина.

Бир мисол. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Дастури тўғрисидаги қарор қабул қилинган, бизнинг шифохонамизда ҳам кам таъминланган оилалар аъзоларига, уруш ва меҳнат фахрийлари, боқувчисини йўқотган ёлғиз кексаларга ҳомийлик тариқасида бепул тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Бу ишларда эса бош шифокоримиз Клара Валиеванинг ташаббуси ва хизматлари катта.

Кези келганда айтиш керакки, шифохонамизда даволаниб чиққан барча беморлар бу ерда яратилган шароитдан, айниқса ширинсўз шифокорлар меҳридан наҳот топаётганликларини мамнуният билан сўзлайдилар. Дарҳақиқат, шифокорликда муқаддас касбига аёллик эътиборини муқаммал этган хотин-қизларимизнинг меҳнатига ютуғи бошқалар катори мени ҳам чексиз қувонтиради.

Ўз меҳнатлари билан эзгулик яратаётган барча ҳамкасб опа-сингилларимизни, жамми мўътабар аёлларимизни бугунги қувончи айём билан самимий табриқлайман. Бахорини гўзаллик ва тароват уларни ҳеч қачон тарк этмасин.

ДОНИШМАНДЛАР ОНАЛАР ҲАҚИДА

Кўлаб ҳар хил ёқимли, мулоим товушлар ичра энг роҳатлиси суюкли аёлнинг товушидир.

Шавкатли авлодга ҳаёт инъом этган она ҳар қанча эъзозланса арзийди.

Аёл фидойилик нимагини тушунибгина қолмай, ўзи ҳам фидойилик намунасини кўрсатишга қодир бўлган зот.

Аёлни сева билмаган одам дунёнинг энг гўзал сирларидан беҳабар ўтади.

Аёл гўзаллиги шундай жозибали кучки, унинг олдида ҳатто фил ҳам тўхтаб қолади.

Аёлларни фақат улғў одамлар ҳурмат қилади.

Оналарнинг оёғи остидодур, Равази жаннат у жинон боғи. Равази боғи висолини истар эсанг, Бўл онанинг оёғи туфроғи.

Миллат келажиги оналар қўлида.

Яхши одамлар кўпайсин десангиз, яхши оналарни кўпайтиринг.

Кўёсиз гуллар очилмайди. Севгисиз бахт йўқ. Аёلسиз шоир ҳам, қаҳрамон ҳам бўлмайди.

БИР АЁЛКИ...

Аёл табиатнинг нозик-ниҳол, мунис бир ҳақиқати. У ҳаммаша сунъанга, меҳруга ташна. Бирок, орамизда шундай аёллар борки, уларнинг ўқитма жуссасида жуда катта куч-қудрат, салоҳият мужжасам. Бундай аёлларимиз жамиятнинг илгор, олижаноб инсонлари саналибгина қолмай, ўзларининг меҳрибонлиги, айна пайтда шижоати билан эл орасида обрў-эътибор топмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида кўп йиллардан бунён хизмат қилиб келаятган Светлана Ортиқова ана шундай аёллардан. У ўз касбига бўлган чексиз меҳри, одамларга садоқати туфайли ҳар биримиз хавас қиладиган ютуқларга эришди. Эл-юрт ташвиши билан эрта тонгдан кечгача изланадиган, қонунлар устида соат-лаб бош қотирадиган, кун бўйи неча идораларга бориб, муаммоларни бартараф этиш мақсадида елиб-югурадиган прокурорнинг шахсий ҳаётини уйлашга вақти ҳам қолмасди. Лекин шунга қарамадан у иш, хизмат ташвиши ҳамда фарзанд тарбияси билан ҳам машғул бўлди. Оиланинг тўнғич фарзанди бўлгани учун ота-она, ука-сингли олдидаги бурчини ҳам унутмади.



— Киши қай соҳада ишламасин, ўз касбининг фидойисини бўлиши керак. Шунинг баробарида имкон қадар одамларга ёрдам беришни ҳаёти шioriга айлантириши лозим. Аммо, бир томони ҳам борки, одам ўта эзук-бо, билимдон бўлса-да, лекин яхши инсон бўла олмаслиги мумкин. Касбининг устаси, одамгарчилиги бўлган кишигина жамиятга, халққа нафи тегади. Мен доим шунга риоя қиламан, — дейди Светлана Ортиқова. Дарҳақиқат, бу аёлнинг иш кўнига эътибор берсангиз, қилаётган меҳнатидан, гап-сўзларидан руҳингиз тетиклашади, завқлана-сиз. Ёрдам сўраб келганларнинг муаммосини жойида ҳал қилишга уринади ва бунинг уддасидан чиқади. Ҳатто газета саҳифаларида қонунлар ижроси билан боғ-

лиқ танқидий мақолаларни кўриб қолса, мутасадди ташкилотга жўнатиб, уни ечиш ҳақида кўйиб-пишади. У ўзининг ғайрати, қатъиятлиги, инсонпарварлиги билан касбдошлари орасида доим эъзозда. Бизнинг қаҳрамонимиз ҳам бошқа аёллар сингари нозик-таъблиги билан ажралиб туради. Болалигида мусиқа мактабини тугатганиданми, фортепиано чалишни, нафис мусиқалар тинглашни ёқтиради. Унинг ҳаётдаги шiori — жаҳолатни маърифат билан енгиш. Виждонни илоҳий нур билан, ботиний адолат ва покликка эришиш.

Светлана Ортиқова яқинда машаққатли меҳнатлари эвазига полковник унвони билан тақдирланди. Адлия катта маслаҳатчиси бўлди. У эл-юрт хизматида экан, ўтаётган ҳар бир кунни бир-бирини тақдорламайди. Бири ташвишли, бири мураккаб воқеаларга бой, бири шодлик. Буларни енгиш, яхшисидан завқ олиш учун у ўзининг меҳнат иродаси ила доим тайёр. Замондошимиз шундай аёлки, фарзандининг меҳрибон онаси, тартибли оила бекаси, ҳамкасбларининг ишончли дўсти, юртимизнинг муносиб фарзанди. Ҳавас қилса, ибрат олса арзигулик Аёл...
Меҳринисо АЛИМҚУЛОВА

МАШҲУРАНИНГ ОРЗУСИ



Машхура Ҳасанова 1984 йилда Самарқанд вилоятининг Тайлоқ туманида туғилган. Мактабда таҳсил олган йилларида ўзбек тили ва адабиёти фанидан бир неча марта туман ва вилоят олимпиадаларида қатнашиб, юқори натижаларни кўлга киритган. Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ижоди хусусидаги илк кузатишлари ва шеърлари ўқувчилик йилларида эълон қилинган. Машхура 2002 йилда Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетига давлат гранти асосида ўқушга қабул қилинган. У шу пайтдан бошлаб

устози, таниқли навоий-шунос олим, филология фанлари доктори Дилором Салоҳий раҳбарлигида Алишер Навоий ижодида воқеабанд гасалар ва ваҳдатул вужуд таълимоти мавзуларида тадқиқот олиб бормоқда. Унинг бир неча илмий мақоласи тўплам ва журналларда эълон қилинган. Ёш шоирнинг «Излайман» номили шеърлар тўплами 2004 йилда нашр этилган.

Машхура Ҳасанова 2005 йилда «Сен ёлғиз эмассан» республика жамоатчилик болалар ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган «Биз СПИД ва гиёҳвандликка қаршимиз» курс-акциясида «Тўхтат, Ер қураси тўхтамай туриб» мавзусидаги ишоси билан қатнашиб, юқори натижаларни кўлга киритган. Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ижоди хусусидаги илк кузатишлари ва шеърлари ўқувчилик йилларида эълон қилинган.

Машхура 2002 йилда Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетига давлат гранти асосида ўқушга қабул қилинган. У шу пайтдан бошлаб жамғармасининг қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган «Биз СПИД ва гиёҳвандликка қаршимиз» курс-акциясида «Тўхтат, Ер қураси тўхтамай туриб» мавзусидаги ишоси билан қатнашиб, юқори натижаларни кўлга киритган. Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ижоди хусусидаги илк кузатишлари ва шеърлари ўқувчилик йилларида эълон қилинган.

БАҲОРДЕК НАФИС



Саида ИСКАНДАРОВА, халқаро тоифадаги спорт устаси:
— Мен спортнинг сузиш тури билан кўп йиллардан бунён шуғулланаман. Устозларим Галина Табачкова, Алевтина Решетованин саъй-ҳаракати туфайли уч қарра Осиё чемпиони, Сидней ва Афинада ўтказилган олимпиада ўйинлари қатнашчиси, халқаро тоифадаги спорт

устаси бўлдим. Президентимиз эътибори, ғамхўрлиги билан юртимизда аёллар спорт кундан-кун ривож топмоқда. Хотин-қизларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун зарур барча шароитлар яратилганди. Улар орасидан аёл мураббийларни кўпроқ етиштириб чиқариш борасида муҳим изланишлар олиб боришмоқда.

Лекин назаримда уларнинг ўзида қизиқлиш камроққа ўхшайди. Кўпроқ ўзбек қизларини спортга, унинг гўзал ва нафис турларига, жумладан, сузишга жалб қилишимиз керак. Шунда улар янада соғлом ва чиройли бўлишади. Соғлом онадан эса албатта соғлом фарзанд дунёга келади.

Бугун аёлларимизни гўзаллик байрами — 8 март билан қутлаб, уларга ҳаётлари ҳаммаша баҳордек нафис бўлишини, қалбларидида меҳру муҳаббат билан оилаларини қуйишдек қарорини, халқаро тоифадаги спорт

Саҳифани Мотазар ЭЛМУРОДОВ, Зайниддин МАМАДАЛИЕВ, Маъмуржон МАҲМУД, Шавкат АҚРАМОВ (фото) тайёрладилар.

СИЁСИЙ ТАШАББУС ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛСИН

4 март кuni Тошкентда Ўзбекистон ХДП республика фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия минтақавий кенгашлари раислари, Қорақалпоғистон республикаси Жўрж Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги ХДП депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, партия ихроия аппарати ходимлари иштирок этдилар.

Фаоллар йиғилишида «Президент Ислам Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш аяқули ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи йили мажлисидаги нутқидан келиб чиқадиган Ўзбекистон Халқ демократик партияси кенгашлари, ташкилотлари ва депутатлик тузилмаларининг сиёсий ва ташкилий вазифалари тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди.

Йиғилиш партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашларидаги ХДП депутатлик тузилмаларининг ҳокимият маҳаллий органлари ваколатига кирадиган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш масалаларини ҳал этиш ва уларнинг ижтимоий самардорлигини оширишда ташаббускорлигини ривожлантириш мавзусига бағишланган семинар билан қўшиб ўтказилди.

Кун тартибидеги масала юзасидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Латиф Фуломовнинг маърузаси тингланди.

Вазирлар Маҳкамаси мажлиси томонидан қўйилган 2006 йилга мўлжалланган ижтимоий йўналтирилган сиёсат масалаларини ҳал этиш халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ваколатига киради, деб таъкидланди маърузада. Шунинг учун ушбу вазифаларни бажаришда маҳаллий Кенгашлар ролини ошириш ҳамда И.А. Каримовнинг жорий йил 24

февралда Сенатнинг V ялпи мажлисидаги маърузасида баён этилган қўйилган келиб чиққан ҳолда уларнинг парламент юқори палатаси билан муносабатларини мустаҳкамлаш алоҳида долзарб масалага айланган.

Бу Ўзбекистон ХДП учун принципиал аҳамиятга эга.

Биринчидан, қўйилган вазифаларнинг изчил бажарилиши электротизим ҳаётий манфаатларига жавоб беради. Партиямиз 2004 йил сайлов кампаниясига киришар экан, ўз зиммасига бу вазифаларни самарали амалга оширишга фаол кўмаклашиш юзасидан аниқ сиёсий мажбуриятлари олган.

Иккинчидан, ХДП депутатлик тузилмалари маҳаллий Кенгашлардаги сиёсий уюшган гуруҳлар бўлиб, ўз ташаббусини намоён этиши ва шу йўл билан давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органлари ташаббуси ва масъулиятини ўсишини таъминлашлари лозим.

Учинчидан, депутатлик тузилмалари орқали тегишли давлат ҳокимияти органлари, амалдорларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ижтимоий самардорлигини кучайтиришга қаратилган қонунлар, Президент фармон ва қарорларини бажариши устидан фаол мониторинг ва жамоатчилик назоратини олиб бориш керак.

Тўртинчидан, ижтимоий сиёсат масалалари бўйича партиянинг етарли даражада ўз қарорлари бор. Биз бу қарорлар ижроси жойларда қандай бажарилаётганини қўриб чиқиш ва тегишли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни бажаришдаги иштирокимиз самарасини ошириш учун нималарга эътибор беришимиз лозимлиги тўғрисида тегишли чора-тадбирларни кўришимиз зарур.

Анжуманда асосий диққат-эътибор ўрта бугун — партия минтақавий ва маҳаллий кенгашлари ҳамда депутатлик гуруҳлари ишида тўлғаниб қолган муаммоларга қаратилди.

Уларнинг жуда оз қисмини «объектив ҳолатлар» билан оқлаш мумкин, деб таъкидланди анжу-

мада. Лекин уларнинг кўпини ҳал этиш учун қисқа ва мазмунли «сиёсий ташаббус» деб аталмиш универсал калит бор.

Йиғилишда қўлаб кенгашлар учун — Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, Наманган, Хоразм, Қашқадарё ва бошқа вилоятларда партиянинг янги Дастури улар фаолиятида ҳаракатларни кучайтиришга даъват этувчи омиб бўлган таъкидланди.

Ўтган йилнинг иккинчи ярмида фаолиятимизнинг жадаллашгани маҳаллий партия кенгашлари эътиборидан четда қолмади. Марказий Кенгаш маҳаллий партия кенгашларига ахборотий кўни кучайтириб юборганлиги, бандлик ва статистика хизмати вазифаларини бажаришга ундаётганлиги хусусида шикоятлар тўшмоқда.

Ушбу эътирозлардан фақат биттаси ўринли, деб ҳисоблаймиз. Ҳақиқатан ҳам бизнинг маҳаллий партия ташкилотлари билан олиб бораётган ахборотий ишмида, ҳозирча аниқ бир тартиб ўрнатилмаган. Айни пайтда, Марказий Кенгаш бу ишларни тартибга солиш бўйича тегишли тақлифларни тайёрламоқда.

Шу билан бирга, деб ўқитди маърузачи, ижтимоий-иқтисодий вазият мониторинги доирасида жойлардан олинаётган ахборотлар, энг аввало маҳаллий кенгашларнинг ўзига зарур. Чунки, Марказий Кенгаш ахборотларни талаб қилар экан, бу билан маҳаллий ташкилотларимиз жойлардаги вазиятни яхшироқ билишига кўмаклашади. Бундан мавжуд ижтимоий муаммоларга нисбатан позицияимизнинг конструктив, ижобийлигини таъминлаб бўламиз.

Биргалишда йўлга қўйилаётган ахборот иш натижасида биз қундалик истеъмол товарларининг нархлари, коммунал хизматлар тарифлари, ишчи кўчига бўлган талаб ва эҳтиёж масалаларини чуқурроқ тушуниб олдик. Бу ахборот бизга партиянинг янги Дастури устуворликларини амалга ошириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш имкониятини беради.

Жойлардаги вазиятни монито-

ЎЗХДП ҲАЁТИ

аъзолари, фаоллар бажарадиган ташкилий ва сиёсий ишларни на икита, на учта қўшимча ходим тўла ҳажмда бажара олади. Туман ва шаҳар партия кенгашларининг штатдаги ходимларига улар фаоллар ўрнига ишласин деб эмас, балки уларнинг ишини ташкил этиш учун ҳақ тўланади.

Партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш масаласига келсак, бу — партиянинг бошқа йўналишлардаги фаолиятини тўхтатиб қўйиш дегани эмас. Устав фаолиятимиз самардорлигини ошириш мақсадида, «йўл-йўлакай» партия кучларини мақбул равишда қайта жамлаш воситасидир.

Биз ўрганиб олишимиз лозим бўлган вазифанинг энг асосийси — ўтган йил июль-август ойларида партия V қўрултойи якули бўйича жамоавий равишда ишлаб чиқилиб, қабул қилинган принципал қарорларни аниқ ва ўз вақтида бажаришдир.

Бунда тегишли давлат ҳокимияти маҳаллий органларидаги ХДП депутатлик гуруҳлари 2006 йилга мамлакат Президенти томонидан белгиланган аҳолининг иш билан бандлик, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, уй-жай-коммунал соҳасида ислохотлар самардорлигини ошириш бўйича ижтимоий йўналтирилган ва партиямиз электраты ҳаётий манфаатларига жавоб беришчи бошқа вазифаларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ташаббускорлик билан иштирок этишини таъминлаш муҳимдир.

Бу, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги обрўли, етарли даражада кўп сонли вакиллик мизни оқлаш бўйича ўзига хос иштирок десак ҳам бўлади, деди пировардида нотиқ. Бу синодан муваффақиятли ўтишини ягона тўғри йўли, бу — ташаббус кўрсатиш. Зеро, ташаббус бўлмаган жойда, обрў ҳам бўлиши мумкин эмас.

Асосий маърузадан сўнг ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қўнчилик палатаси депутати Насимкул Каримов қўшимча маъруза билан чиқди.

Бўлиб ўтган музокараларда Олий Мажлис Қўнчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси раиси Аслиддин Рустамов, Қўнчилик палатаси депутатлари Фахриддин Ражабов, Улугбек Вафоев, Боймурод Юсупов, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири Сафар Остонов, Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси Хамро Эрматов, Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши раиси Абдурашид Убайдуллаев, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «Илғор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, шаҳар Кенгаши депутати Аҳмадjon Зокиров қатнашдилар.

Анжуман муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.



«ШАРҚ ГУЛИ» ЭКСПОРТГА ЧИҚМОҚДА

Тошкент. «Шарқ гули» масъулияти чекланган жамияти ишлаб чиқараётган сўзана, попон, гул кўрна, палак, чойшаб ва ёдворлик совғалари сингари маҳсулотлар доим харидорлар эътиборида. Корхона эндиликда келин-куёв либосларини ҳам тикшиша киришди.

Ўтган йили жамият қошида ишга туширилган «Шарқ модели» Ўзбекистон — Туркия қўйма корхонаси фаолияти маҳсулот турларини янада кўнайитириш ва харидорлигини оширишга қаратилган. Корхонада болалар, ўсмирлар, аёллар

ва эркалар учун икки юз хилдаги трикотаж кийим-кечаклар ишлаб чиқарилади. Айни кунларда бундай маҳсулотлар хорижга ҳам экспорт қилинмоқда.

Суратларда: тикув цехи устаси Муаттар Фуломова тикувчилар — Шахноза Гафурова ва Арофат Ҳасанова билан тайёр маҳсулот сифатини текширмоқда; қўйма корхона тикувчилик цехидан лавҳа.

Рўздат ЖУМАНИЕЗОВ (ЎЗА) олган суратлар.



АҚШ — МАГАТЭ — ЭРОН



АҚШ Эронга ўз худудиде урани бойитиш имкониятини беришчи ҳар қандай келишувга қарши эканлигини билдирди. Россиянинг янги тақлифига жавобан шундай қилинди. Янги тақлифга кўра, Россия Эронга илмий дастурлар доирасида урани кичик миқдорда бойитиш имкониятини бериши керак деб ҳисоблайди.

Вашингтон эса Эрон ядро дастури масаласи муҳокама БМТнинг Хавфсизлик Кенгашига оширилмаслиги учун мамлакат бу дастурдан тўлалигича воз кечиши кераклигини айтмоқда.

БМТнинг атом энергияси бўйича халқаро агентлиги (МАГАТЭ)нинг Венада бўлиб ўтаётган музокараларида ташкилот раҳбари Мухаммад ал-Барадеи ядро дастури борасида келишувга эришишига умид билдирди.



ФАЛАСТИН МУХТОРИЯТИ



Асосан ХАМАС гуруҳи вакилларидан ташкил толган Фаластин мухторияти парламентининг янги таркиби Фаластин етакчиси Махмуд Аббос ваколатини кенгайтириш ҳақидаги эски таркибнинг қарорини бекор қилди.

Парламентнинг эски таркиби асосан Аббос етакчилигидаги ФАТХ партияси вакилларидан ташкил топган.

Янги таркибдаги парламентнинг биринчи мажлисидаёқ тартибсизликлар рўй берди. Парламентдаги мухолиф гуруҳлар вакиллари бир-бирига ҳайқирдиқлар билан ташлашиб кетишди.

Эски таркиб қарорлари бекор қилинишига жавобан ФАТХ вакиллари қўнчиликни ўзгартириш мумкин эмаслигини айтиб, норозилик сифатида мажлислар залини тарқ еттишди.

ФАТХ вакили Набил Шаатх ФАТХ депутатлари ХАМАС билан келишувларга эришилганидан кейингина мажлислар залига қайтишни билдирди.

Воқеаларнинг бундай ривожини миллий бирдамлик коалициясини тузмоқчи бўлган ХАМАС ва ФАТХнинг режаларига путур етказиши мумкин.

Парламентнинг янги таркибиде 74та мандат харбийлашган ХАМАС гуруҳига, яна 45 нафар Есир Арофот томонидан ташкил этилган, айни пайтда эса Махмуд Аббос томонидан бошқарилаётган ФАТХ ҳаракатига тегишлидир.

ҚУВАЙТ

Қувейтнинг Миллий мажлиси Оммавий ахборот воситалари ва матбуот ҳақидаги янги қонунни тасдиқлади. Унга кўра, энди ҳукумат суд қарорисиз журналистларни ҳибсга олишга ҳақли эмас.

Бундан ташқари, янги қонунга кўра, охириги 30 йилда биринчи бор янги газета ва журналлар чикарилишига рухсат берилди.

Қонун қабул қилинаётганда аҳолининг давлат ҳаётининг энг долзарб масалалари бўйича мухолиф фикрларни билдириш имкониятини яратиб талаби ҳам эътиборга олинган.

БЕЛОРУСИЯ



Белорусия президенти Александр Лукашенко ақинлашётган президент сайловларида мухолиф кучлар ўз галласига ишонмапти, деган фикрни билдирди. Бу ҳақда «Новости» ахборот агентлиги хабар берди.

Белорусияда президентлик сайловлари 19 март кuni бўлиб ўтиши керак. Амалдаги президентдан ташқари Беларусия президентлиги учун мухолифат номзоди Александр Милинкевич, «Грамада» социал-демократик партияси раиси Александр Козулин ва Либерал-демократик партияси раиси Сергей Гайдукевичлар кураш олиб боришади.

БУЮК БРИТАНИЯ



Ироқдаги Британия харбийлари қўмондони Ник Хафтон Daily Telegraph газетасига берган интервьюсида Буюк Британия Ироқдан ўз харбий контингентини 2008 йилнинг ўртасигача олиб чиқиб кетишини режалаштирганини айтди.

Айни пайтда Ироқда саккиз мингга яқин британиялик харбий бор. Улар асосан мамлакат жанубида жойлаштирилган. Шу пайтгача Британиянинг Ироқда ҳалок бўлган аскарлари сони 100 нафардан ошиб кетди.

Мамлакатнинг Ироқдаги харбий контингентини таъминлаш учун кетган харажати 4 миллиард фунт стерлингдан ошди.

АЁЛ БОРКИ ОЛАМ МУНАВВАР

Биз учун энг азиз бўлган оналаримиз, опа-сингилларимиз, умр йўлдошимиз кўнгилларида бугун қандай йўл-мақсадлар бор, уларни қандай масалалар ташвишга солмоқда? Айниқса, қишлоқ хотин-қизлари аҳоли қандай, жойларда уларга қандай эътибор берилмоқда?

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Гулрух Аъзамова, Марҳамат туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Жамила Хасанова, ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши раиси ўринбосари Одинахон Мадаминаева, Маънавият ва маърифат маркази Андижон шаҳар бўлими раҳбари Турғунбой Тожибоева сингари партиямиз фаоллари иштирокида Марҳамат туманида иштирок қилаётган хотин-қизлар билан бўлган давра суҳбати ана шундай саволлар асосига қўрилди. Унда хотин-қизларнинг турмуш-шароити, меҳнат фаолияти, мақсад, режалари ҳақида ўртоқлашилди. Барча кўнглида борини айтди.

Ҳаётдаги турли муаммолар ечимини биргалишда топиш кўнглимизнинг кўнглидаги фикр бўлди. Ҳар бир аёл, баркамол киз жамоатчилик эътибори ва меҳри билан тўғри йўлни танлади. Турмуши, иши, ўқиши кўнглидагидек кечди.

Ҳаётдаги турли муаммолар ечимини биргалишда топиш кўнглимизнинг кўнглидаги фикр бўлди. Ҳар бир аёл, баркамол киз жамоатчилик эътибори ва меҳри билан тўғри йўлни танлади. Турмуши, иши, ўқиши кўнглидагидек кечди.

ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ

Партиянинг янги Дастурида аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишни ўзининг устувор вазифаси деб белгилаган. Биз қабул қилинадиган қонунлар лойиҳаси устиде ишларканмиз масаланинг ана шу томонига жиддий эътибор берилмиз.

Учрашувда сўзга чиққанлар ва савол берганлар ХДП фракциясининг келгуси режалари, қишлоқ мактаблари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, фермерлик фаолияти, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизими оид қонун лойиҳалари билан қизқидилар.

— Бу учрашувдан зўр қониқиб ҳосил қилдик, — дейди Кулонхона маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шариф Ҳамроев. — Депутатимизнинг сўзларидан шу нарса аён бўлдики, тайёрланаётган қонунлар жуда кўп баҳо-мунозаралар билан юзга келаркан. Бунинг устига улар бизни қийнаётган муаммоларни ҳал этишга асосий эътиборини қаратишмоқда. Шунинг учун ҳам биз уларга қаттиқ ишонамиз.

Сайловчилар билан депутатнинг шундай учрашуви Когон шаҳрида ҳам бўлиб ўтди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Депутат ва ҳаёт

ПИШИҚ, ПУХТА ҚОНУНЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛСА

МУАММОЛАР ЕЧИМИ АНЧА ЕНГИЛЛАШАДИ, ДЕБ ТАЪКИДЛАНДИ БУХОРОДАГИ УЧРАШУВЛАРДА

Олий Мажлис Қўнчилик палатаси депутатларининг сайловчилар билан бағли учрашуви маърузалардан холи, ўзаро мулоқот тарзида ўтгани билан кўпчилик эътиборини тортиди. Олот тумани ҳокимлигидаги учрашувда Олий Мажлис Қўнчилик палатаси депутати, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева палатанинг 2005 йилдаги фаолияти ҳақида қисқача маълумот берди.

— Икки палатани парламентнинг ташкил этилиши, — деди депутат, — мамлакатимизда қонун чикарувчи ҳокимият фаолиятини янги босқичга кўтариш имкониятини берди. Ушбу тизим ўз навбатида аҳолининг турли қатламлари манфаатларини кенгроқ ва тўлароқ ифода қилаётган, давлат бошқарувида янада самаралироқ қатнашадиган механизмларга эга эканлиги билан ҳам муҳим аҳамият касб этди. Қонун ижодкорлиги жараёни бирмунча мураккабланди. Қабул қилинаётган қонунларнинг сифати ана яхшиланди. Қонун ҳужжат-

ларини қабул қилишда сиёсий партиялар фракцияларининг роли ошди.

Депутат ўз сайловчиларига парламентдаги ЎзХДП фракцияси айнан ўзининг сўйлик позициясидан келиб чиқиб қўнчиликда партия электраты манфаатларига мос келмайдиган нормалар ўтиб кетмаслиги учун қаттиқ қураётганлиги ҳақида ҳам гапириб берди.

Шундан сўнг депутат сайловчиларни қизқитириган саволларга жавоб берди.

Худди шундай учрашув Қоракўл туманида ҳам бўлиб ўтди. 29-Пайкент сайлов округи таркибига кирувчи мазкур туман экологик жиҳатдан мураккаб худуд саналади. Бу ерда ичимлик сув таъминоти муаммо. Туман худудиде ташкил этилиши лозим бўлган яшил қалқон борасида айтириш иш қилинмагани сайловчиларни ташвишга солмоқда.

— Бизда хорж кредити асосида ичимлик суви таъминоти тўдан яхшиланишига катта умид болганда, — деди туман санитария-эпидемиология назора-

ти маркази бош ҳақими Раҳмат Бекмуродов. — Афсуски, йиллар ўтапти, бироқ бу борадаги ишлар кўзга ташлангани йўқ. Бунинг устига тумани Оролбўйи худудига киритиш орқали аҳоли манфаатдорлигини оширишга эътибор сўст.

«Тинчлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фахриддин Рўзиев «Истеъмо кредити тўғрисида»ги қонунни содда-лаштириш, пишқиқ-пухта ишлаб чиқиш, бу борадаги тўсиқларга барҳам бериш лозимлигини баён қилди.

Учрашувда Ш.Абдуллаева туман мактабларининг моддий-техника базасини яхшилаш учун Ўзбекистон банклар ассоциацияси билан ҳамкорликда бта компания оид келганлигини маълум қилди.

●●●

Бухоро туманидаги «Маданият» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти спорт мажмуасида 24-Шохруд сайлов округи сайловчилари вакиллари тўландилар. Олий Мажлис Қўнчилик палатаси депутати Шавкат Каримов палатанинг 2005 йилги фа-





ЎЗБЕК ОЛИМАСИ ЮНЕСКО МУКОФОТИ СОВРИНДОРИ

ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида «Аёллар илм-фанда» халқаро мукофоти топириш маросими бўлиб ўтди. 1998 йилда ЮНЕСКО ҳамда «Лорель» компанияси томонидан таъсис этилган ушбу нуфузли мукофот ёш аёлларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва тарғиб қилишга йўналтирилган.

Мукофот фан-техника ривожига ўз хиссасини қўшган беш қитъанинг 14 нафар оlima аёлига топширилди. Улар орасида ҳамюртимиз Дилфуза Эгамбердиева ҳам бор.

Ўзбек олимаси номзоди танловга республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО ишлари бўйича комиссияси томонидан тавсия этилди. Д.Эгамбердиеванинг қишлоқ хўжалиги экинлари зарарку-нандаларига қарши курашиш-

нинг зарарсиз ва экологик тоза усуллари ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш борасидаги илмий изланишларининг долзарблиги шу қадар аниқ-равшан эдики, унинг номзоди ҳеч иккиланмай тадқиқотчилар рўйхатида киритилди.

Айни пайтда Д.Эгамбердиева Нидерландиянинг Леден университетида Европа Иттифоқининг ИНТАС лойиҳаси доирасида курсок ва шўр ерлардаги қишлоқ хўжалиги экинларини биологик жиҳатдан ҳимоя қилишга қаратилган илмий изланишларни амалга оширмоқда.

— ЮНЕСКОнинг аёлларни илм-фандага жалб этишга қаратилган ушбу дастурини жуда зарур ва муҳим, деб ҳисоблаймиз, — дейди «Лорель» компанияси масъул ходими Дженнифер Кембелл.

— Бизнинг махсулотларимиздан асосан аёллар фойдаланади шу боис биз ушбу дастурга ҳомилий қилишга қарор қилдик. Мен Ўзбекистон вакили бизнинг мукофотга лойиҳа топилганидан мамнунман.

— Мукофот илмий ишларимизда давом эттиришга кўмак беради, — дея режалари билан ўртоқлашди Д.Эгамбердиева. — Келажақда қишлоқ хўжалигида фақат экологик тоза махсулотлар ишлаб чиқишини истардим, бунинг учун эса агротехникага биотехнологияларни кенг қўладим жалб этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш лозим.

Ғайрат ШУКУРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири,
Париж.
Суратда: (ўнгда)
Д.Эгамбердиева.

БАҲОР ҲИДИ

Отaxon ёзувчи Саид Аҳмадга хос бир ибора бор: «18 яшар қиз ўтган кўчада баҳор ҳиди қолади». Шундай, март ойи, табиатнинг уйғониши билан атрофни кўклар сабоси тутди. Гўё кўз ўнгингда чаман чечаклар, жамалак соч қизлар намён бўлади. Баҳор ойи бошида нишонланувчи, «8» рақам ифодаланган айём эса дунё хотин-қизларини мадҳ этувчи халқаро байрамга айланади кетган. Хитойда бу рақам бахт келтирувчи ҳисобланади.

Адиру қирларда қор кўрпаси остида қуёшга муралаган бой-чечаклар кўзга ташланади. Хадемай лолакизгалдоқлар гилами ловулайди.

Машҳур ёзувчи О.Генри ҳикояларининг бирида Атлантика океанининг инсон қадами етмаган оролда умрбод сургунга ҳукм қилинган денгиз қароқчиларининг ҳаётини тасвирлайди. «Ҳаммалари жулдуз кийимларда, соч-соқоллари ўсиб кетган, ёввойи одамларга айлангандай... Кунларнинг бирида уфқда елкан кўринди ва оролга келиб яна бир гуруҳ жиноятчиларни қирғоққа туширишди. Уларнинг орасида бир қиз бор эди. Севгиами билан ошмик йигит ҳам бирга келган. Ягона қизнинг оролда

пайдо бўлиши ёввойилар ҳаётини ўзгартиради. Ҳамма кийимларини ювиш, ямаш, соч-соқолларини олиш ва ювинишга киришиб кетади. Чунки улар ўзларини эркак, инсон эканликларини фаҳм этишганди».

Қадимги Грузияда эса Хевсур табиблари аёллар гўзаллигидан беморга муолажа қўйишда фойдаланишган. Майдонда оғир жароҳатланган жангчиға мадад бериш учун ҳамшира сифатида гўзал қизни хизматга қўйишаркан.

Гўзал қиз олдида йигитлик шаънига доғ туширмасликка интилган ярадор эса оғриқларга чидаб, бақиршиш ва йиғлаш ўрнига мулойим табассум қилишга ўзида куч топаркан. Бошқа бир ривоятда аёлларда ўзига хос ёшартириш қуввати борлиги ҳақида хикоя қилинади. Эмиш-ки, бир подшо ўз дўсти бўлган вазирни тўхмат билан зиндонга ташлайди. 40 йилдан кейин тахтага ворислик қилган шаҳзода эса вазирнинг беғуноҳлигини билган ва зиндонга тушиб, кечирим сўраб: «Ҳамма тилкаларингизни бажаришга тайёрман», дейди.

Вазир: «Битта илтимос, зиндоннинг 40 пиллапоясига биттадан қиз қўйилса ва улар мени қўлма-қўл кўтариб, зиндондан

чиқаришса», дебди. Зиндондан ёруғликка чиққанда ҳамма хайрон қолган. Чунки 80 ёшли чол яна 40 яшардек турганмиш. Яъни қирқ қиз уни ёшартирган экан.

Эҳ-же, аёлларга нималар бағишланмайдими, дейсиз. Европа аёлларини хушбичим бўлиши учун минглаб китлар қирилади. Чунки, унинг мўйловидан Париж модельерлари корсет тайёрлашади. Уларнинг пальто ва кийимларини безаш учун мўйнали жониворлар ов қилинади. Тропик паррандаларини пати шляпаларига кўр беради.

Буюк Бобурийлар томонидан қад ростилаган дунёнинг етти мўъжизасидан бири — «Тоғ Маҳал» макбарасини Рабиндранат Тагор «Мармар билан ёзилган муҳаббат, вафодорлик дostonи», деб таърифлаган.

Эркаклар аёлларни деб жасорат ва мардлик кўрсатиши табиий. Аёллар ўтин ёрмасалар ҳам, овга бориб егулик олиб кела олмасалар ҳам барибир улар азалий хонадон файзи, ҳаётимиз таровати саналади. Оила тотувлигининг тимсоли ҳисобланади. Дидсиз гавда — одам эмас, худсиз гул-гул эмас, аёлисиз уй-уй эмас. Бежиз айтилмаган. Сизларни заифа дердик. Аслида сизнинг кунингиз ўша охираликда.

Софур ЖўРАЕВ

«НИҲОЛ» ҒУНЧАЛАРИ

Бугун юртимизнинг барча гўшаларида баҳор ва бахт тантаналари кенг нишонланмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Ниҳол» номли 519-боғча-мактаб мажмуасида ҳам бўлиб ўтди. Унга ота-оналар, Акбаробод маҳалласи хотин-қизлар кўмитаси фаоллари ҳамда фахрий аёл ўқитувчилар таклиф этилди.

Боғча тарбияланувчиларининг байрам дастуридан ўрин олган чиқишлари, турли сахна кўринишлари, баҳор ва барҳаётлик алёрлари куйланди. Шунингдек, улар томонидан ижро этилган аёлларни қўловчи шеър ва қўшиқлар, рақслар ҳамда таэквондо тўғараги қатнашчиларининг кўргазмали чиқишлари барчага манзур бўлди. Тадбирда ота-оналар ҳам сўзга чиқиб, тарбиячи-мураббийларни қўлуғу байрам билан қўтлаб, машаққатли меҳнатларига омадлар тилади.

Тадбир сўнггида жажжи болажонлар ўз кўллари билан ясаган байрам совғаларини тарбиячилар ҳамда оналарига тақдим этилди.

(Ўз мухбиримиз)
Суратларда: байрам тадбиридан лавҳалар.
Шавкат АКРАМОВ олган суратлар



Спорт

Осиё Олимпия Кенгаши (ООК) президенти Шайх Аҳмад ал-Фаҳад ас-Сабоҳ тақлифига биноан шу йилнинг 4 мартида ООК бош қароргоҳи жойлашган Кувайт давлатида ООКнинг 45-юбилей Конгресси доирасида Кураш Халқаро ассоциацияси президенти Комил Юсупов билан ООК президентининг расмий учрашуви бўлиб ўтди.

Кураш Халқаро ассоциацияси матбуот марказининг билдиришича, учрашув жараёнида Осиё Олимпия Кенгаши билан Кураш Халқаро ассоциацияси ўртасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

2002 йили Пусан (Жанубий Корея)да ўтказилган XIV Осиё ўйинларида кураш бўйича кўргазмали чиқиш амалга оширилганди. Сўнгра, 2003 йили Осиё Олимпия Кенгашининг Бош Ассамблеяси йиғилишида ООК Низомининг 59-бандига ўзгартириш киритилиб, «Кураш Осиё ўйинлари дастуридан ўрин олишга ҳақли» эканлиги алоҳида таъкидланди.

ООК президенти Шайх Аҳмад ал-Фаҳад ас-Сабоҳнинг Осиёда кураш ривожига қўшаётган ҳиссаси инобатга олинб, у Кураш Халқаро ассоциациясининг «Олтин ордени» билан тақдирланди.

Учрашувда Кураш Халқаро ассоциацияси президентининг тақлифига биноан Шайх Аҳмад ал-Фаҳад ас-Сабоҳ Осиё Кураш Конфедерациясининг Фахрий президенти этиб сайланди.



КУРАШНИНГ ДАДИЛ ОДИМИ

ООК президенти ООК вице-президенти Ф.Раҳимовнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, шу йил декабрь ойида Дохада (Катар) ўтадиган XV Осиё ўйинларида кураш бўйича мусобақалар ўтказилишига руҳсат берди.

ООК президенти курашнинг жаҳондаги ривожига алоҳида тўхталиб, «Кураш дунё халқлари ўртасида дўстлик, тинчлик ва албатта, халоллик тамойилларининг тарғиботчиси бўлиб қолади. Шу йили Катарида бўлиб ўтадиган Осиё ўйинларида кураш китъамизнинг энг жозибали спорт турларидан бири сифатида кўпчилигига яхши таассурот қолдиришига ишонаман», дея таъкидлади.

Дохада ўтадиган XV Осиё ўйинлари ташкилий кўмитаси вице-президенти Шайх Сауд ал-Таний КХА делегацияси билан кураш мусобақаларини уюштириш борасида ўзаро фикрлашиб олди.

Сафар давомида Кураш Халқаро ассоциацияси раҳбарияти Кувайтга расмий ташриф буюрган Африка китъавий Кураш Конфедерациясининг фахрий президенти, Африка китъавий Олимпия Кўмитасининг президенти Лассан Паленфо билан учрашув ўтказди. Учрашув жараёнида Паленфо курашнинг Африка китъасидаги ривожий хусусида сўз юритиб, 2007 йили Жазоирда ўтадиган Африка ўйинларида курашнинг расмий спорт тури сифатида киритиш имкониятлари борлигини таъкидлаб, бу борада Африка китъавий Кураш Конфедерацияси Африка китъавий Олимпия Кўмитаси билан биргаликда иш олиб бораётганини билдирди.

Миллий спорт туримиз — кураш жаҳон майдонидаги шиддати билан барчамизга қувонч бағишлаётгани шубҳасиз. Эртага япониялик курашчи Осиё ўйинларида, жазоирлик спортчи Африка ўйинларида, йиллар ўтиб эса бразилиялик полвон Олимпия ўйинларида кураш бўйича голибликка эришса, бу кимнинг шодлигига сабаб бўлади?! Ягона ниятимиз — илоҳим шундай кунларга етишиш барчамизга насиб этсин.

Эркин ХОЛБОБО

«ЧОРСУ БУЮМ БОЗОРИ» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Чорсу буюм бозори» ОАЖ Кузатув Кенгаши 2006 йил 8 апрель соат 12.00 да жамиятнинг 2005 йил молиявий-хўжалик фаолиятига бағишланган акциядорларнинг навбатдаги умумий мажлиси ўтказилишини маълум қилади. Умумий мажлис жамият маъмурият биносидан ўтказилади.

- Умумий мажлис кун тартиби:**
1. «Чорсу буюм бозори» ОАЖнинг 2005 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
 2. Жамиятнинг 2005 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик ҳулосасини тасдиқлаш.
 3. 2005 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
 4. Кузатув кенгашининг 2005 йил фаолияти бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш, балансини тасдиқлаш.
 5. 2005 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият йиллик балансини тасдиқлаш.
 6. 2005 йил якуни бўйича олинган фойдани тақсимлаш.
 7. 2006 йилги Бизнес план (иш режасини) тасдиқлаш.
 8. Жамият директорининг меҳнат шартномасини узайтириш ҳақида.
 9. 2006 йилга мўлжалланган даро-

мадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.

10. 2006 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдорини белгилаш.
11. «Тошкент Импекс» ЕАЖ низоми жамғармасига қўйилган пул маблағини жамиятнинг хўжалик фаолияти харажатида киритиш тўғрисида.
12. Кузатув кенгаши таркибининг қайта сайлаш ҳақида.
13. Тафтиш комиссияси таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида.

Мажлисда қатнашиши ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2006 йил 9 март ҳолатида тузилади. Акциядорлар мажлисга тайёрланган ҳужжатлар билан жамият маъмурияти биносидан 2006 йил 25 мартдан танишишлари мумкин.

Мурожаат учун телефонлар:
144-82-78.
Кузатув кенгаши

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БУЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Жиззах вилоятида 2006 йилда қуриладиган қишлоқ врачлик пунктлари (калити билан):

| Т.р. | Объект номи |
|------|--|
| 1 | Бахмал туманидаги бир сменада 50 қатновга мўлжалланган қишлоқ врачлик пункти қурилиши |
| 2 | Ғаллаорол туманидаги бир сменада 50 қатновга мўлжалланган қишлоқ врачлик пункти қурилиши |

Қурилиш ишларини тугаллаш муддати — 2006 йил III чорак.

Буюртмачи манзили: **Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй.**

Телефон: **(8372) 222-31-59, 222-30-11.**

Қурилиш ишларини молиялаштириш инвестиция дастури асосида давлат бюджетидан маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридида айланма маблағларига ёки қўрсатиб ўтилган маблағларини беришга банк ҳафалатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий

малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин.

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 (эллик минг) сўм. Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисиға тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соатиғача. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

«ПАХТА НЕФТЬ БАЗАСИ» унитар корхонаси

барча қизиқувчи ташкилот ва истеъмолчиларни хабардор қиладики, корхонанинг статистика кодлари қуйидагича ўзгартирилди:

КТУТ — 05582857
ДБИБТ — 01024ХХТУТ-71150
МШТ — 135
ТХШТ — 1200

Газетанинг навбатдаги сони 11 март, шабаба кунини чиқади.

| BOSH MUHARRIR: | |
|---|-----------------------|
| Safar OSTONOV | |
| TAHRIR HAY'ATI: | |
| Abdulla ORIPOV Latif G'ULOMOV Asliddin RUSTAMOV Ashur QODIROV Bobir ALIMOV Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir o'rinbosari) | |
| Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari) | |
| Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistona») | |
| Norbobo SHAKAROV Nomoz SA'DULLAYEV To'lepbergen QAIPIBERGENOV Muslihidin MUHIDDINOV Olim MURODOV Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib) | |
| MUASSIS: | |
| O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI | |
| BO'LIMLAR: | |
| Siyosat, partiya va xalqaro hayot | 133-10-13 |
| Ma'naviyat va ma'rifat | 133-69-45 |
| Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot | 133-20-36 |
| Parlament va huquq | 133-76-21 |
| Ekologiya va salomatlik | 133-44-55 |
| Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik | 133-21-43 |
| Xatlar va ommaviy ishlar | 133-12-56 (Tel. Faks) |
| Mas'ul kotib | 133-72-83 |
| Reklama va e'lonlar | 133-38-55, 133-47-80 |
| VILOYAT MUXBIRLARI: | |
| Andijonda — | 25-32-70 |
| Buxoroda — | 222-10-92 |
| Gulistonda — | 25-22-32 |
| Jizzaxda — | 5-49-85 |
| Navoiyda — | 223-83-73 |
| Namanganda — | 6-43-43 |
| Nukusda — | 222-70-15 |
| Samarqandda — | 35-20-54 |
| Urganchda — | 226-51-35 |
| Farg'onada — | 26-43-62 |
| Termizda — | 3-79-98 |
| MANZILIMIZ: | |
| 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz | |
| Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV | |
| Gazeta «O'zbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. | |
| Sahifalovchi-dasturchi: Iltomjon ISMOILOV | |
| «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi. Korxonona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. | |
| Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yatga olingan. | |
| Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taqab. | |
| Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. | |
| «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahriyot ruxsati bilan amalga oshiriladi. | |
| f — 550 | |
| 14419 nusxada bosildi | |
| 1 — Tijorat materialu | |
| O'zA yakuni — Topshirish vaqti — | |
| 1 2 3 4 5 6 | |
| Sotuvda erkin narxda | |